БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

13 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 99 (3327).

22 май ЯКШАНБА 1966 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

## ЧУҚУР МИННАТДОРЧИЛИК

Бундан илгари матбуотда эълон қилинганидек, яқинда Тошкентда зилзила бўлганлиги муносабати билан турли чет мамлакатларнинг давлат ва партия арбобларидан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига телеграммалар олинди. Бу телеграммаларда совет халқига чуқур ҳамдардлик ҳамда зилзиладан зарар кўрган оилаларга самимий таъзия изҳор этилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети барча давлат ва партия арбобларига ҳамда жамоат ташкилотларига, чет мамлакатларнинг барча гражданларига табиий офат—Тошкентдаги зилзила муносабати билан самимий ҳамдардлик билдирганликлари учун Совет халқи ва биринчи навбатда Тошкентнинг барча аҳолиси номидан чуқур миннатдорчилик изҳор қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## ТОШКЕНТГА ЁРДАМ

### ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИНИНГ ҚАРОРИ

Зилзиладан шикастланган Тошкент шаҳрининг аҳолисига бир йўла ёрдам учун ВЦСПСнинг касаба союз бюджети маблағларидан 500 минг сўм беришга қарор қилинди.

ВЦСПС президиуми шундай қарор қабул қилди. Бу йил Тошкент касаба союз ташкилотлари учун санаторийларга қўшимча 700 йўлланма, дам олиш уйларига яна 200 йўлланма ва 500 та қўшимча туристлик йўлланмалари берилади,

Ўзбекистон пойтахтининг касаба союз ташкилотларига зилзиладан зарар кўрган кишиларни давлат социал страхованиеси маблағлари ҳисобидан санаторийлар, дам олиш уйлари ва туристик базаларига бориш учун текин йўлланмалар билан таъминлаш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига давлат социал страхование бюджетидан қўшимча 1.500 минг сўм маблағ ажратилди. Шу пулнинг ярмиси болаларни пионер лагерларида дам олдиришга сарфланади. Пионер лагерларига илгари мўлжаллаб қўйилганига қараганда бир неча минг бола кўпроқ юборилади. Қолган маблағлар пионер лагерларини ремонт қилиш ва ускуналаш, санаторийлар ва дам олиш уйларига йўлланмалар сотиб олиш, санаторийларга бориш харажатини тўлаш, даволанувчиларни овқат билан таъминлаш учун сарфланиши керак.

Бундан ташқари, республика касаба союзлари Совети шаҳар ташқарисидаги пионер лагерларига қўшимча ускуналар ҳамда шаҳардаги пионер лагерларига маданий ва спорт асбоблари сотиб олиш учун ВЦСПСнинг касаба союз бюджети маблағларидан 150 минг сўмга яқин пул олади.

Ўзларига қарашли пионер лагерларига Тошкент болаларини қабул қилиб олишга қарор қилган Украина, Белоруссия, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларининг, Горький, Қалмоқ, Куйбишев, Ростов, Свердловск, Татаристон, Челябинск область касаба союзлари Советлари ташаббусини ВЦСПС президиуми маъқуллади.

Қарорда Ўзбекистон касаба союз ташкилотларига ёрдам учун кўриладиган бошқа чоралар ҳам белгилаб берилди. Жумладан, бинокорлик материаллари, стандарт уйлар, ускуналар, маданий асбоблар ва мебеллар юбориш тадбирлари белгиланди.

(ТАСС мухбири).

Москва шаҳри.

## ВЛКСМ XV СЪЕЗДИ

МОСКВА, 21 май. (ТАСС). Кремлнинг Съездлар саройида Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XV съезди ўз ишини давом эттирди.

Бугунги эрталабки мажлис ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **С. Павлов** раислигида очилди, У, ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтганлигини, пленумда ВЛКСМ Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет бюроси аъзолигига кандидатлар, шунингдек ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретариати сайланганлигини маълум қилди.

Комсомол Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб **С. Павлов** сайланди, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари қилиб **А. Везиров, М. Журавлева, В. Дувакин, А. Камшалов, Т. Куценко, Б. Пастухов, Ю. Торсуев, А. Чеснавичус** сайланганлар.

Дания, Колумбия, Австрия, Австралия, Бразилия, Бельгия, Ливан, Мексика, Жанубий Африка Республикаси ёшларининг вакиллари съездга табрик сўзлари билан мурожаат қиладилар.

Раислик қилувчи Жазоир, Перу, Гватемала, Норвегия, Эквадор, Португалия Гвинеяси, Мозамбик, Голландия, Швейцария, Коста-Рика, Гондурас, Сурия, Ироқ, Марокаш, Исландия, Шимолий Ирландия, Швеция, Порто-Рико, Лаос, Канада, Басутоленд қардош ёшлар ташкилотларидан, Италия, Бельгия, Мексика, Япония, Чили социалистик ёшлар ташкилотларидан съезд адресига табрикномалар келганлигини хабар қилди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони космонавт — учувчи **Ю. Гагарин** минбарга чиқади. Бу залда, деди у, бизнинг космик фазони ўрганиш ва тадқиқ қилишда эришган муваффақиятларимиз тўғрисидаги хабарлар кўп марталаб янграган эди. Ёшлар, комсомоллар бизнинг мамлакатимизда Коинотни ўрганиш жуда тез, космик суръатлар билан бориши учун ўзларининг бутун кучларини, ўз қалбларининг бутун ҳароратини сарфлайдилар.

Танаффусдан сўнг съезд мажлиси яна давом этади. Делегатлар ва меҳмонлар **А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, Б. Н. Пономарев** ўртоқларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ёзилган мактуб ғоят баланд руҳ билан қабул қилинади.

Съезд АҚШнинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан барча мамлакатларнинг прогрессив ёшларига мурожаатни ҳам қабул қилади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Павловнинг қисқа нутқидан сўнг Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XV съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

## ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

21 майда ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалаларни муҳокама қилди.

Пленум С. Павловни ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайлади.

А. Х. Везиров, В. Т. Дувакин, М. И. Журавлева, А. И. Камшалов, Т. А. Куценко, Б. Н. Пастухов, Ю. В. Торсуев, А. Ю. Чеснавичус ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретарлари қилиб сайланди.

Ю. П. Белов, А. Х. Везиров, Ю. Н. Верченко, В. Т. Дувакин, Ю. Н. Ельченко, М. И. Журавлева, А. И. Камшалов, Т. А. Куценко, Ю. Д. Машин, Р. В. Николаев, С. П. Павлов, Б. Д. Панкин, Б. Н. Пастухов, Ю. В. Торсуев, В. П. Трушин, А. Ю. Чеснавичус, В. Г. Яровой ВЛКСМ Марказий Комитети бюросининг аъзолари қилиб сайланди.

Л. Л. Барткевич, В. Н. Ганичев, У. Жанибеков, Г. П. Елисеев, Г. Н. Жабицкий, О. В. Зинченко, О. Е. Черкезия ВЛКСМ Марказий комитети бюроси аъзолигига кандидатлар қилиб сайланди.

* * *

ВЛКСМ Марказий Ревизия комиссиясининг мажлиси бўлди. В. Т. Иванов бу комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

## ҲАМИША ХАЛҚ БИЛАН, ЖОНАЖОН ПАРТИЯ БИЛАН

### ЎЗБЕКИСТОН ИЖОДИЙ СОЮЗЛАРИНИНГ ҚЎШМА ПЛЕНУМИДАН

КПСС XXIII съезди келажакка йўл очиб берди. Ана шу йўлга тушиб олаётган Ўзбекистон адабиёти ва санъати ходимлари асосий эътиборни республика маданиятини янада юксалтиришга қаратмоқдалар.

Ўзбекистон ёзувчилари, композиторлари, рассомлари, кинематографчилари, архитекторлари, журналистлари, артистлари ўзларининг яқин йиллардаги вазифаларини муҳокама қилмоқ учун 20 майда ўз ижодий союзларининг қўшма пленумига тўпланишди.

«КПСС XXIII съезди қарорлари асосида Ўзбекистон адабиёти ва санъати ходимларининг вазифалари» ҳақида республика Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси, партия съездининг делегати **Комил Яшин** доклад қилди.

— Сиз билан бизнинг вазифамиз, — дейди докладчи, — совет ҳаётининг оқимлари ҳақида, жамиятимизнинг янги беш йиллик планни, КПСС Программасини амалга оширишдаги реал ғалабалари тўғрисида кенг тасаввур берадиган, одамни одамийликка ўргатадиган асарлар яратишдир. Биз адабиётимиз билан санъатимизни янада ривожлантиришни пухта ўйлаб кўришимиз лозим.

Октябрь 50 йиллигига ҳамда В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига атаб янги асарлар яратиш тўғрисидаги ғоявий-тематик планни бажарсак, бу билан олға қараб катта қадам қўйган бўламиз. Коммунизм қурувчилари ҳақида бир талай катта полотнолар яратиш ўйлаб қўйилган, замондошларимиз ҳақида ҳикоялар, революция, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари тўғрисида очерклар яратилади. Ойбек, Назир Сафаров, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Сергей Бородин, Михаил Шевердин, Александр Удалов, Борис Пармузин, шоирлардан Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Зулфия, Миртемир, Мирмуҳсин, А. Иванов, В. Костиря, Рауф Галимов, Ҳабибий, Саида Зуннунова, ўнлаб бошқа ўртоқлар ана шу темаларда асар ёзмоқдалар.

Драматурглардан Уйғун, Сарвар Азимов, Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон, Зиннат Фатхуллин, Шукрулло ва бошқалар янги пьесалар яратмоқдалар.

Ҳозир бутун мамлакат Тошкентдаги зилзила оқибатларини тугатиш чораларини кўрмоқда. Бу ёрдам, бу ҳамдардлик, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги ёзувчи ва журналистларни ўз мақолалари ва очеркларида шаҳар гражданларининг қаҳрамонона руҳини, уларнинг уюшқоқлиги ва интизомини қўллаб-қувватлашга даъват этмоқда.

Республика рассомлари буюк тарихий саналарга ҳозирланар эканлар, ўзларининг тематик планларини пухта тузиб олдилар.

Халқ декоратив ва амалий санъати усталари олдида катта вазифалар турибди. Санъатнинг мана шу соҳасида ижод қилаётган усталар қадим замонлардан бери халқ бунёдга келтирган ҳамма гўзал нарсаларни авайлаб сақлаб қолиш билан бирга, янги қурилишга актив бош қўшмоқлари, ўз санъатлари билан жамоат иншоотларини, иморатларни безамоқлари керак.

Ўзбекистон композиторлари билан музикашунослари ҳам улуғ саналарга ўз туҳфаларини тайёрламоқдалар. Ҳ. Раҳимовнинг «Зафар». И. Ҳамроевнинг «Ҳамон кутаман», А. Берлиннинг «Тўй кунида» опералари, И. Акбаровнинг «Нигор», С. Юдаковнинг «Насриддиннинг саргузаштлари», М. Ашрафийнинг «Муҳаббат қурбонлари», А. Козловскийнинг «Нурхон» балетлари шулар жумласидандир. Йирик вокаль симфоник жанрда М. Бурҳоновнинг «Ўзбекистон» кантатаси ва «Ленин ҳақида» хор сюитаси, А. Муҳамедовнинг солистлар, хор ва симфоник оркестр учун «Ленин ҳақида» поэмаси ва шу сингари бошқа кўп асарлар яратилади.

Киностудияларнинг планларида Октябрь революциясининг Ўрта Осиёдаги ғалабаси тўғрисида, халқимизнинг Совет ҳокимияти учун олиб борган кураши ҳақида асарлар яратиш кўзда тутилган.

Республика архитекторлари олдида ғоят катта вазифалар турибди. Тошкентда жуда кенг миқёсда қурилиш ишлари бошланиб, жадал суръатлар билан олиб борилади. Архитекторлар билан рассомларнинг ижодий ҳамкорлиги ҳозир ҳар қачонгидан жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бизнинг талантли кадрларимиз бор. Уларнинг барча ижодий кучларини энг қизиқарли, янги ва қимматли ғояларни ўйлаб топиш ва рўёбга чиқаришга сафарбар этиш зарур. Кенг кўламда ижодий мусобақалар, очиқ конкурсларни мунтазам ташкил этиш бунинг асосий воситаларидан бўлмоғи керак. Мана шундай мусобақа ва конкурслар ҳамиша янги талантларни юзага чиқаришга ёрдам беради.

Санъат ва адабиётнинг жуда кўп арбоблари В. И. Ленин образига мурожаат қилмоқдалар. Соддалиги ва жозибадорлиги билан вафотидан кейин ҳам миллион-миллион одамларнинг дилларини мудом ўзига мафтун этаётган бу улуғ инсоннинг образини яратиш устида ишлаш шундай мароқли вазифаки, санъат аҳли учун бундан ҳам мароқлироқ иш бўлиши мумкин эмас. Ленининг ажойиб камтаринлигига, теран ақл-заковатига, ахлоқий поклигига ва табиатининг мукаммаллигига ҳаммамиз қойил қоламиз. Ленининнинг худди мана шу фазилатлари ҳар бир совет кишиси учун мўътабардир. Унинг шу фазилатларини акс эттириш ҳар биримизга ҳаётдан сабоқ олишда шахсий намуна бўла олади.

Ёшларни камол топтиришдан иборат жонли, реал, айни бир маҳалда мураккаб ва оғир жараён замонавий темалар орасида энг муҳимларидан биридир.

Улуғ Ватан уруши темаси адабиётимиз ва санъатимизда муҳим умумхалқ темаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Фашизм устидан қозонган ғалабамиз ҳақидаги романлар, пьесалар, достонлар, киносценарийлар, рассомлик асарлари, аввало ер юзида ҳаётни барқарор этиш йўлида, коммунизм йўлида совет кишилари кўрсатган оммавий қаҳрамонлик ҳақидаги, партиямизнинг қудратли кучи тўғрисидаги, халқнинг жўшқин революцион руҳи унинг ватанпарварлиги ва интернационализм идеяларига содиқлиги ҳақидаги асарлар бўлмоғи керак.

Совет халқининг фашизм устидан қозонган ғалабаси — бизнинг энг буюк меросимиздир. Ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг табаррук хотираси бизга ҳам, бизнинг болаларимиз ва невара-чевараларимизга ҳам энг қимматли қурбон эвазига — йигирма миллион ватандошимизнинг ҳаёти эвазига қўлга киритилган мана шу меросни кўз қорачиғидек асраш

(Охири 2-бетда).

## САЙЛОВЧИЛАРНИНГ К. Т. МАЗУРОВ БИЛАН УЧРАШУВИ

**Минск**, 20 май (ТАСС). Минск шаҳар биринчи сайлов округи бўйича СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазуров билан учрашувга бугун завод ва фабрикалар, муассасалар ва олий ўқув юртлари вакиллари тўпландилар.

Президиумда К. Т. Мазуров, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия КП Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, БССР Министрлар Советининг раиси Т. Я. Киселев, БССР Олий Совети Президиумининг раиси В. И. Козлов ва бошқалар ўтирибдилар.

Ишончли вакил — 15-«Спецстрой» қурилиш трестининг бош инженери В. Я. Яровга сўз берилади. У К. Т. Мазуровнинг ҳаёт йўли ва фаолияти ҳақида гапириб, Минск шаҳар биринчи сайлов округининг барча сайловчиларини коммунистлар ва партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун овоз беришга чақиради.

БССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари И. П. Шамякин сўзга чиқади. У К. Т. Мазуровни Белоруссияда кўп йиллар ишлаган ва бутун кучини, билими ва тажрибасини қадрдон республиканинг тараққиётига бағишлаган таниқли партия ва давлат арбоби сифатида характерлайди. Мана шунинг учун, дейди у, мен ишонаманки, округнинг барча сайловчилари ўртоқ Мазуров учун овоз берадилар.

Йиғилишда, шунингдек, паровоз депоси машинисти А. И. Ермолкевич, Белоруссия Давлат университетининг профессори М. А. Жидович ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Тўпланганлар томонидан самимий кутиб олинган К.Т. Мазуров йиғилишда нутқ сўзлади.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ССР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

СССР Олий Совети Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Комиссия раиси М. А. Зоидов депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш якунлари тўғрисида ахборот берди.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳамма жойда СССР конституцияси ва сайлов тўғрисидаги Низом талабларига қатъий мувофиқ тарзда ўтказилди.

Рўйхатга олинган номзодлар ўртасида хотин-қизлар 28,2 процентни, КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар 76,9 процентни, кандидатларнинг умумий сонидан ишчилар 26,9 процентни, колхозчилар 21,8 процентни ташкил этади.

Республика комиссияси Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Шаҳрисабз ва Янгиер сайлов округлари округ комиссиялари раҳбарларининг ахборотларини тинглади.

Республика пойтахтида сайловга ташкилий-техникавий тайёргарлик кўриш айниқса мураккабдир. Табиий офат сабабли Тошкентнинг кўпгина аҳолиси турган жойини ўзгартирди, шаҳарга кўплаб бинокорлар отрядлари келмоқда. Бу отрядлар сайловчиларнинг сонини узлуксиз кўпайтирмоқда. Бундай шароитда участка комиссиялари ишда ғоят эпчиллик ва оперативлик кўрсатишлари лозим. СССР Олий Совети Президиуми истисно тариқасида Тошкентда бир эмас, балки участка сайлов комиссиясининг икки аъзосини иш ҳақи сақлангани ҳолда асосий ишидан озод қилишга рухсат этганлиги ана шу вазифани ҳал қилишга ёрдам беради.

Республикадаги ҳамма округларда сайлов бюллетенларини тайёрлаш ишлари бошланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

## ҒАЛЛАКОРЛАР ТАШАББУСИ

**Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими ва давлатга дон сотишнинг уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш юзасидан иш плани**

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш ва давлатга дон сотиш юзасидан тузган иш планини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига «Гулистон» колхозининг ташаббусини барча ғаллачилик хўжаликларида муҳокама қилиш, бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини қисқа муддатларда, донни нобуд қилмасдан ўтказиш ва давлатга дон топширишни тез туғаллаш имконини берадиган конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.

Республика ва область газеталари редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига ғаллакорлар ўртасида социалистик мусобақанинг боришини кенг ёритиш вазифаси юкланди.

Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозининг аъзолари КПСС XXIII съезди қарорларини турмушга татбиқ қила бориб ва СССР Олий Советига бўлажак сайловлар кунини муносиб кутиб олиш учун кураша бориб, лалмикор ерларда бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар ва ҳосилни қисқа муддатларда — 15-20 иш кунида сира нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга қарор қилдилар.

4330 гектар ердаги дон экинларидан 5 минг тоннадан кўпроқ, яъни ҳар гектар ердан пландаги 10,4 ўрнига 12 центнердан дон олиниши мўлжалланмоқда. Биз давлатга пландан ошиқча 5 минг центнер дон сотиш, хўжалигимизнинг уруғлик ва емлик фондини тўла таъминлаш, шунингдек колхозчиларнинг меҳнат кунларига тақсимлаш учун етарли миқдорда дон ажратиш мумкинлигини ҳисоблаб чиқдик.

Ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш учун барча имкониятлар бор.

Колхозда кейинги йилларда ажойиб кадрлар етишиб чиқди. Муҳсин Беков. Миробид Исроилов, Миртожи Мирусмонов, Шариф Турсунов, Ҳалим Ҳамидов. Туроб Эшматов каби илғор комбайнчилар ўтган йили комбайнларини ўзлари тайёрладилар ва уларнинг ҳар бири тоғ этакларида жойлашган ғаллазорлардан 350 гектардан кўпроқ майдондаги дон экинларини ўриб олдилар. Бу йил улар янада кўпроқ майдондаги дон экинларини ўриб-йиғиб олишга аҳд қилганлар. Улар яқин кунлар ичида комбайнларни ремонт қилиб бўладилар.

Ўрим-йиғим бошланишига жуда оз вақт қолганлигини ҳисобга олиб, биз шу йил 25 майгача мавжуд 18 ғалла комбайнини тўла ва сифатли ремонтдан чиқариш ҳамда уларни дала шароитида ишлатиб кўришни мўлжаллаяпмиз.

Ҳосил ўрим-йиғимини белгиланган муддатларда туғаллаш мақсадида агрегатларнинг икки сменада ишлашини таъминлаймиз. 18 комбайнчи, 36 штурвалчи ва 36 тракторчи тайёрлаймиз. Колхозимизнинг ер шароитини ҳисобга олиб, ҳар бир комбайн билан сменада 6 гектар, бир кунда 12 гектар ердаги дон экинларини ўриб-йиғиб олишни мўлжаллаяпмиз. Бу комбайнлар группа усулида ишлатилганда ҳар куни колхоз бўйича 216 гектар ердаги дон экинларини ўриб-йиғиб олиш имконини беради.

Комбайнларнинг юқори унумли ишлашини таъминлаш учун далаларга борадиган йўллар ва кўприкларни вақтида ремонт қилиб қўямиз, алоҳида битта кўчма устахона ва етарли миқдорда запас қисмлар ажратамиз. Ўрим-йиғим бошлангунга қадар экинзорларнинг четларини ҳайдаб қўямиз, дон экинлари майдонини заҳарли ўтлардан тозалаймиз.

Шу йил 1 июнгача механизаторлар, шоферлар, ёрдамчи ишчилар билан икки кунлик семинар ўтказиб, унда техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши кураш тадбирлари, иш нормалари ва меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиламиз.

Донни ҳисобга олиш ва кирим қилишда зарур тартиб ўрнатамиз. Бунинг учун колхоздаги бутун тарози хўжалигини 10 июнгача ремонт қиламиз ва янги 25 тоннали тарозилар ўрнатамиз. Тайёрлов пунктларига жўнатиладиган дон олдин хўжаликнинг ўзида ўлчаб кўрилади.

Ҳосилни 10 июндан кечикмай ўра бошлаймиз. Донни комбайнлардан хирмонга ва хирмонлардан дон қабул қилиш пунктларига ташиш учун 22 та ускуналанган юк автомашинаси ажратамиз.

Тракторлар ва автомашиналарни ёнилғи ва мойлаш материаллари билан таъминлаш учун 2 та автомашина ажратилади. Даладан сомонни ташиб чиқишда 8 юк автомашинаси, 6 трактор прицепи ва 4 волокуша ишлайди. Сомон тўппа-тўғри чорва моллар қишлайдиган жойларга етказилади.

Ўрим-йиғим пайтида ёнғин чиқишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир комбайн ёнғинга қарши инвентарлар билан ускуналанади.

Барча дон хирмонларда тозаланиб, давлатга кондицияга етказилган ҳолда сотилади. Бунинг учун ғаллачилик бригадаларига 3 та «ОС-4,5» ғалла тозалаш машинаси ва иккита «ЗП-40» транспортёри бириктилади.

Ҳосил ўрим-йиғими туғалланиши биланоқ барча майдонларни ҳайдашга киришамиз. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ тўртта трактор тайёрлаб қўйилган. 10 сентябрдан кузги бошоқли дон экинлари экишга киришамиз.

Дон экинларини ўриб-йиғиб олиш даврида механизаторлар ва колхозчилар орасида оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтирамиз, КПСС XXIII съезди материаллари юзасидан суҳбатлар ўтказиш, лекция ва докладлар ўқишни ташкил этамиз. Ғаллачилик бригадалари, комбайнчилар, колхозчилар, шоферлар ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирамиз. Мусобақада ғолиб чиққан илғорларни ҳар беш кунда қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаб турамиз. Кўчма вимпеллар таъсис этамиз. Ўрим-йиғим даврида бадиий ҳаваскорлар тўгараги қатнашчиларининг кучи билан икки марта концерт қўйилади, бригадаларда мунтазам равишда жанговар варақалар, деворий газеталар чиқариб турилади. Барча бригадаларда ҳар бир комбайнчининг смена сайин бажарган ишини кўрсатувчи кўрсаткич тахталар ташкил этамиз.

Топшириқларни орттириб бажарган комбайнчилар, штурвалчилар, тракторчилар, шоферларни рағбатлантириш мақсадида уларга иш ҳақининг 25-40 проценти миқдорида қўшимча ҳақ тўлаймиз.

Дон экинларини ўриб-йиғиб олиш билан банд бўлган кишилар учун иссиқ овқат тайёрланади, уларга мунтазам равишда аванс пул ва натура ҳақи бериб борилади.

Барча комбайнчилар, штурвалчилар ва тракторчиларга комбинезон ва кўзойнаклар берилади.

Етиштирилган мўл ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмасдан йиғиб олиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик ва уни қисқа муддатларда давлатга сотиш колхоз экономикасини анча мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш имконини беради.

Биз, буғдойнинг харид нархлари оширилганини ва пландан ташқари сотилган дон учун қўшимча ҳақ тўланишини ҳисобга олиб, бу йил колхоз давлатга план бўйича сотадиган 15030 центнер дон эвазига 114330 сўм ва пландан ортиқча 5 минг центнер дон сотишдан 56600 сўм, жами 170 минг сўмдан кўпроқ даромад олишни мўлжаллаяпмиз. Колхоз ғаллачиликдан сира бундай катта даромад олган эмас.

«Гулистон» колхозининг аъзолари беш йилликнинг биринчи йилида дон экинларини уюшқоқлик билан, қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиш, давлатга дон сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

**БУ ТАДБИРЛАР КОЛХОЗ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА ТАСДИҚЛАНГАН.**

